

---

## "АЁЛЛАР ДАФТАРИ"НИНГ 2-БОСҚИ

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг мухим йўналишларидан биридир. Бу ўринда "Аёллар дафтари" тизимининг яратилиши мавжуд муаммоларни манзилли ўрганиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш имконини ҳам беради.

Данғара туманида "Аёллар дафтари"нинг 2-босқичини шакллантириш, рўйхатлар шаффофлигини таъминлаш масаласида мутасаддилар иштирокида муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда "Аёллар дафтари" ижроси бўйича Фарғона вилоятига бириктирилган вакил Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринbosари Қобилжон Қирғизалиев иштирок этиб, "Аёллар дафтари"нинг 2-босқичини шакллантириш, рўйхатлар шаффофлигини таъминлаш, ҳар бир тоифадаги хотин-қизлар билан ишлаш вазифалари бўйича кўрсатмаларни бериб ўтди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-07-14 18:38:12